



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI
OQDARYO TUMAN HOKIMINING
QARORI

141000, Loyish sh., Amir Temur shox ko‘chasi 39-uy.

20 21 -yil 26 - fevral

69-Q -son

Loyish sh.

Давлат хусусий шериклик шартлари асосида ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунининг 12¹, 17, 21, 25, 26-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори, Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини Ҳамза кўчасида яшовчи фуқаро Раджабов Сирожиддин Мухиддинович билан тузилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим”ни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6-25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини Ҳамза кўчасида яшовчи фуқаро Раджабов Сирожиддин Мухиддинович билан тузилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим” маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Оқдарё туман Бозоржой маҳалласи ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ҳисобидан фуқаро Раджабов Сирожиддин Мухиддиновичга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 0,03 га ер майдонидан Бозоржой маҳалла биноси қуриб бериш эвазига, Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда савдо комплекси” биносини қуриш учун 0,16 га ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Раджабов Сирожиддин Мухиддинович зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин.

- Оқдарё тумани Бозоржой маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “**Бозоржой**” маҳалла биносини қуриш учун ажратилган жами 0,03 га ер майдонидан 6 (олти) ой муддат ичида “**Давлат хусусий шерикчилиги асосида маҳалла маркази**” биносини замонавий лойиҳа асосида ходимлар учун 4 (тўрт)


та хона ва 1 (бир) та мажлислар зали биноларини куриб **Бозоржой** маҳалла фуқаролар йиғини балансига топшириш;

- Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган 0,16 га ер майдонида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда савдо комплекси” куришга рухсат берилсин.

- Фуқаро Раджабов Сирожиддин Муҳиддинович ушбу “Маҳалла маркази” биносини 6 (олти) ой муддат ичида замонавий лойиҳа асосида куриб фойдаланишга топширмаган тақдирда мазкур қарор ва Раджабов Сирожиддин Муҳиддинович билан тузилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида куриш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим” ўз кучини юқотган деб ҳисобланиб, ажратилган 0,19 га ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

 **Н.Сулаймонов**